

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ГАЗИЕВ ЛАЗИЗ ТУРГУНОВИЧ

**БУЙРАК ХУЖАЙРАЛИ САРАТОННИ БАШОРАТЛАШ ВА
ДАВОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
medical sciences**

Газиев Лазиз Тургунович

Буйрак хужайрали саратонни башоратлаш ва даволашнинг
замонавий жиҳатлари..... 3

Газиев Лазиз Тургунович

Современные аспекты прогнозирования и лечения
почечно-клеточного рака..... 21

Gaziyev Laziz Turgunovich

Modern aspects of prediction and treatment of renal cell
carcinoma..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 40

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ГАЗИЕВ ЛАЗИЗ ТУРГУНОВИЧ

**БУЙРАК ХУЖАЙРАЛИ САРАТОННИ БАШОРАТЛАШ ВА
ДАВОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1188 рақам рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|---|
| Илмий раҳбар: | Тилляшайхов Мирзагалёб Нигматович тиббиёт фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Мухаммедаминов Шухрат Каримджанович тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдурахмонов Дониёр Камилджанович тиббиёт фанлари доктори |
| Етакчи ташкилот: | Инха университети клиникаси, Корея Республикаси |

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил «15» июл соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.

Диссертация автореферати 2021 йил «10» июл куни тарқатилди.

(2021 йил «10» июл даги 6 рақамли реестр баённомаси).

М.А. Ғофур-Охунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, тиббиёт фанлар доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлар доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда буйрак хужайрали саратон (БХС) барча хавфли ўсмаларнинг 2-3%ини ташкил этади ва касалланиш, ривожланаётган мамлакатлар билан солиштирганда ривожланган мамлакатларда юқоридир. ЖССТ берган маълумотлар бўйича «...ҳар йили жаҳонда буйрак хавфли ўсмасини 295 мингтага илк бор аниқланиш ҳолати қайд этилса, улардан 134 мингтаси ўлим билан яқунланади...»¹. Ҳозирги кунда жарроҳлик аралашувидан кейинги беморларнинг юқори даражадаги хавф гуруҳини ажратиш ва касаллик яқунларини башорат қилиш, шунингдек, режалаштирилаётган даволашга жавоб топиш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. Бунда бирламчи БХС учун шкалалар якка холда учрайди ва башоратлаш омилларининг чегараланган миқдорини ўз ичига олади. Шу сабабли буйрак хужайрали саратони билан хасталанган беморларни даволашга шахсийлаштирилган ёндошув ва юқори аниқликка эга бўлган кенг қамровли тадқиқотларни тақоза қиладиган долзарб муамолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда буйрак саратони диагностикаси, замонавий даво-тактикани танлаш, башоратлаш ва замонавий жиҳатларини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада буйрак хужайрали саратонини даволашга таъсир кўрсатувчи клиник, морфологик ва прогностик кўрсаткичларни индентификациялаш ҳамда буйрак хужайрали саратонини кечиши ва асоратига mTOR, VEGF-A, PD-1/ PD-L1, KIT, Ki67 молекуляр-биологик маркерлар таъсирини асослашдан иборат. Операциядан кейин беморларни динамик кузатувнинг амалга оширишга қаратилган башоратлаш номограмасини ва буйрак хужайрали саратонини қайталаниши ва метастазлари ривожланишининг хавф гуруҳини баҳолашга қаратилган адьювант терапия ҳамда даврий кузатиш тактикасини ишлаб чиқишга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида хавфли ўсма касалликларини камайтиришга «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Шундан келиб чиққан холда буйрак хужайрали саратонни башоратлаш ва даволашнинг замонавий

¹Ferlay J., Soerjomataram I., Ervic M., et al Estimating the global cancer incidence and mortality in 2018: GLO-BOCAN sources and methods // Int J Cancer – 2019. – Т. 144. – №. 8. – С. 1941-1953.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

жиҳатлариничукур таҳлили қилишга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фанватехнологияларивожланиши–нинг устуворйўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавжуд адабиёт манбаларини таҳлил қилганда, БҲС турли кечиши, кимёвий ва нур терапиясига чидамлилиги туфайли ўтказилган даволашга паст сезгирликка, яшовчанлик кўрсаткичлари катта фарқ қиладиган хавфли ўсмаларининг гетероген гуруҳи эканлиги аниқланган (Cuigliano G. 2017). Узоқ вақт давомида жарроҳлик даволаш БҲС нинг даволашнинг олтин стандарти бўлиб келган. БҲС соҳасидаги фундаментал тадқиқотларнинг ривожланиши билан кўплаб маркерлар аниқланган ва уларга қарши дори-дармонларни қўллаш даволаш натижаларини яхшилади (Harris L.N. 2017). Бугунги кунда жарроҳлик амалиётидан кейин беморларнинг хавфли гуруҳларини аниқлаш ва натижаларини башорат қилиш, шунингдек режалаштирилган даволашга жавоблар муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. Бироқ, мавжуд яратилган прогностик моделлар ва номограммаларнинг аксарияти метастатик БҲС прогнозини аниқлаш учун қўлланилади. Бунда бирламчи БҲС учун шкалалар кам бўлиб чекланган сонли башорат омилларини ўз ичига олади (Fertig E.J. 2015). Ундан ташқари, БҲС юқори хавф гуруҳларида адъювант терапияни қўллашдан асоссиз равишда воз кечиш беморларни натижаларини яхшилаш потенциал имкониятидан маҳрум этади (Coates A.S. 2017). Шу муносабат билан бирламчи БҲС натижаларини башорат қилиш, хавф даражасини аниқлаш ва даволаш ёндашувларини индивидуализация қилиш учун юқори аниқликда янги прогностик воситаларни яратиш замонавий онкоурологиянинг истиқболли йўналишлари ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда БҲС ташхисоти ва даволаш соҳасида илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган, масалан: регионар лимфа

тугунларида метастазлар билан БҲС ташхисоти ва даволашга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (Н.М. Рахимов 2019); интралюминар венос инвазия билан буйрак хужайра саратонини жаррохлик даволаш (Е.В. Бойко 2019); кекса ва ёш улуг ёшдаги беморларда буйрак саратонида органларни сақловчи операцияларнинг концептуал асослари (Р.М. Тилляшайхова, 2018); буйрак хужайра саратони бирламчи генерализацияланган шакллари ташхисоти ва даволашга замонавий ёндошувлар (Низамов Д.Ф., 2012) амалга оширилган, бироқ, БҲС даволаш ва башоратлаш стратегиясининг клиник, морфологик ва молекуляр-биологик жиҳатлари ўрганилмаган.

Ўзбекистонда буйрак хужайрали саратони клиник-морфологик ва молекуляр биологик жиҳатларини ҳисобга олиб даволаш, беморларни ҳаёт сифатини яхшилаш, самарали даволаш тизимини яратиш бугунги кунда онкоурологлар олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Чунки нотўғри даволаш метастазланиш ва ўлим кўрсаткичларини ошишига олиб келади. Таъкидлаб ўтишимиз жоизки, ҳар хил морфологик тузилишга эга бўлган буйрак хужайрали саратонида шакллантирилган стандарт даволаш усуллари мавжуд эмас. Бирламчи буйрак хужайрали саратонида адъювант иммуно-таргеттерапия самарадорлиги ўрганилмаган. Юқорида қайт этилганлар ушбу муаммони самарали даволаш тизимини яратиш зарурлигини тақоза қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт марказининг илмий–тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ АДДС-9.2 «Кўкс оралиғи, қорин бўшлиғи орти ва кичик чанок ўсмалари ташхисоти ва даволашни ишлаб чиқиш» мавзусида грант лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади буйрак хужайрали саратони хавф омилларини турларини инобатга олган ҳолда мослаштирилган ёндошиш натижасида даволаш тартибини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

буйрак хужайрали саратонини даволашга таъсир кўрсатувчи клиник, морфологик ва прогностик кўрсаткичларни индентификация қилиш;

буйрак хужайрали саратонини кечиши ва асоратига mTOR, VEGF-A, PD-1/ PD-L1, K1T, Ki67 молекуляр-биологик маркерлар таъсирини баҳолаш;

буйрак хужайрали саратонини даволашни узоқ натижаларни баҳолаш; операциядан кейин беморларни динамик кузатувнинг амалга оширишга қаратилган башоратлаш номограмасини ишлаб чиқиш;

буйрак хужайрали саратонини қайталаниши ва метастазлари ривожланишининг хавф гуруҳини баҳолашга қаратилган адъювант терапия ҳамда даврий кузатиш алгоритини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиалида даврий назоратда бўлган ва даволанган буйрак хужайрали

саратонини T₁₋₄N₀₋₁M₀ даражасидаги 150 нафар беморлар олинган (2011-2019 йй.).

Тадқиқотнинг предмети сифатида хавфли ўсма некрози, ўсмани киёслаш, лимфоцитлар билан инфильтрацияси, лимфоваскуляр инвазия, хавфли ўсма стромасига паренхиманинг нисбати, KIT, VEGF-A, mTOR, PD-1/PD-L1, Ki67 биомаркерлари материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда рентгенологик, ультратовуш, МСКТ, морфологик, KIT, mTOR ва PD-1/PD-L1 молекуляр-биологик рецепторларининг, хирургик ва статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бирламчи буйрак хужайрали саратони кечиши натижасига кўра лимфоваскуляр инвазияси, ўсма стромасига паренхимасини нисбати, KIT, PD-1/PD-L1 рецепторларининг прогностик омилларини ўрни ва касаллик ривожланишдаги хусусиятлари исботланган;

бирламчи буйрак хужайрали саратони асосий омиллари бу лимфоваскуляр инвазияси, ўсма стромасига паренхимасини нисбати ҳамда KIT, mTOR ва PD-1/PD-L1 рецепторларининг салбий хусусиятлари эканлиги очиб берилган;

бирламчи буйрак хужайрали саратонида VEGF-A, PD-1/PD-L1 молекуляр-биологик маркерларнинг экспрессияси кузатиладиган ҳолатларда адьювант режимида иммунотерапия ўтказилиш зарурлиги исботланган;

илк маратоба бирламчи буйрак хужайрали саратонида юқори хавф гуруҳда – адьювант иммунотерапия, ўрта хавф гуруҳ – интенсив динамик кузатув ва паст хавф гуруҳида – стандарт динамик кузатув ўтказиш самарадорлигини тактикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган башоратлаш номограммаси буйрак хужайрали саратонини метастазланиш ва қайталанишлари ривожланиши хавф даражасини ташхислашга юқори аниқликда самарадорлиги асосланган;

хавф тоифасини ҳисобга олиш билан буйрак хужайрали саратони ташхисланган беморлар учун ишлаб чиқилган динамик кузатишлар алгоритми ҳамда касалликни жадаллашишини ўз вақтида ташхислашга имкониятлиги юқори самарадорлиги асосланган;

башоратлаш гуруҳига боғлиқ холда буйрак хужайрали саратони беморларини юритиш учун ишлаб чиқилган алгоритм беморларни самарали даволаш тактикасини ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи аналитик, инструментал, патогистологик, молекуляр-биологик ва статистик тадқиқот усуллари асосида буйрак хужайрали саратонни башоратлаш ва даволаш

такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олинган натижалар ва хулосалар онкологик жараён параметрларининг буйрак хужайрали саратонини башоратига таъсирини тизимли таҳлил қилиш, башорат омилларининг мутаносиб қийматларининг дефинициясига сезиларли ҳисса қўшиши, молекуляр-биологик омилларнинг касалликни клиник кечиши, даволаш ва натижаларидаги ўрни, буйрак хужайрали саратони билан хастланган беморларини динамик кузатув ва даволашнинг шахсий тактикаси концепцияси шакллантирилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти буйрак хужайрали саратони қайтланиши ва метастазлари ривожланишининг хавф гуруҳини аниқлаш учун прогностик номограммаларни амалиётга тадбиқ қилиш, жарроҳлик амалиётидан кейинги динамик кузатувнинг ишлаб чиқилган алгоритми касалликнинг ривожланишини ўз вақтида аниқлаш, юқори хавф тоифадаги буйрак хужайрали саратони учун адьювант терапия амалга ошириш билан беморларни юритиш бўйича шакллантирилган алгоритми қайталанишларсиз умумий яшовчанлик кўрсаткичларини яхшилашга имкон берганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Буйрак хужайрали саратонни башоратлаш ва даволашнинг замонавий жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

буйрак хужайрали саратонни башоратлаш ва даволашнинг замонавий жиҳатлари қўллаш натижалар асосида «Бирламчи буйрак хужайрли саратонини даволашга мослаштирилган ёндошиш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 8 сентябрдаги 8н–р/297–сон маълумотномаси). Натижада бирламчи буйрак хужайрли саратони даволашда башоротловчи хавф гуруҳига нисбатан натижаларни яхшилаш ҳамда хавф гуруҳидаги беморларда метастазлар ва қайталанишнинг динамик назоратини оптималлаштириш имконини берган;

буйрак хужайрали саратони башоратлаш ва даволашнинг замонавий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё ва Сирдарё вилояти филиаллари клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н–д/154–сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши буйрак хужайрали саратонни башоратлашда омилли таҳлили касалликни башоратлашда энг аҳамиятли параметрларни ажратиш, максимал эҳтимоллик усулидан фойдаланиб, интеграл башоратлаш номограмма ишлаб чиқиш, у юқори аниқлик билан касалланган беморнинг хавф гуруҳини баҳолаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий–амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Буйрак ҳужайра саратони ташхисоти, даволаш ва башоратлашга замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи боби бешта кичик бобдан иборат бўлиб, ушбу адабиётлар шарҳига бағишланган, унда жаҳон адабиётининг БҲС эпидемиологияси, ташхисоти, даволаш ва башоратлаш муаммоси бўйича маълумотлари таҳлил қилинган. Адабиёт шарҳида БҲС башорати кўп жиҳатларининг ноаниқлигига урғу берилган. Барча башоратлаш омилларни ҳисобга олган ҳолда БҲС билан аниқ башоратни тузишни излашда илмий тадқиқотларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қилинади. Бобни таҳлили материални умумлаштирадиган хулосалар билан яқунланган, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Буйрак ҳужайрали саратонни башоратлаш ва даволашнинг клиник материал ва усуллари**нинг тавсифи» деб номланган иккинчи бобида неопластик жараённинг генерализациясига олиб келган омилларнинг сабабларини ўрганиш, БҲС бўлган беморларда касалликнинг клиник кечиш хусусиятларини ўрганиш учун илгари РИОваРИАТМ ТШФ шароитида жарроҳлик даволаш олган 150 нафар $T_{1-4}N_{0-1}M_0$ билан беморларда ретроспектив таҳлил 2011 йилдан 2019 йилгача ўтказилган.

Беморларни гуруҳларга бўлиш қуйидагича бўлган: биринчи гуруҳга БҲС билан 70 бемор радикал даволашдан кейин динамик кузатув давомида

киритилган, уларда онкологик жараён қайталаниши, метастазланиш кузатилган, иккинчи гуруҳга - 5 йил давомида рецидив ва метастазлар ривожланмаган БҲС билан 80 нафар бемор.

Тадқиқотда ёш белгиси бўйича 31 дан 83 ёшгача тебранган. Беморлар ўртача ёши $57 \pm 10,5$ ни ташкил этган. Гуруҳлар орасида ёш ва жинс бўйича тақсимот деярли тенг эди. Барча БҲС беморлар қабулда умумий клиник ва махсус усуллари ўз ичига олган стандарт комплекс текширувдан ўтган.

Операциядан кейинги патологик материал асосида барча беморларда онкологик жараённинг тарқалиш даражасини, ўсманинг гистологик тузилишини ва унинг бошқа муҳим патологистологик параметрларини, шунингдек лимфа тугунларини ҳолати ўрганилди.

Тадқиқотга қўшилиш мезонлари:

гистологик тасдиқланган бирламчи буйрак хужайрали саратони; узоқдаги аъзоларда метастазлар мавжуд эмаслиги; ўтказилган жарроҳлик амалиёти.

Тадқиқотдан четлатиш мезонлари:

Бирламчи кўп сонли ўсмалар; икки томонлама буйрак саратони; жарроҳлик амалиёти ўтказишдан бош тортиш; узоқдаги метастазлар мавжудлиги.

Пайпасланадиган ҳосила (41% ҳолатда) мавжудлиги тарқалган маҳаллий симптом эди. Шунингдек, бел соҳасидаги оғриқлар (47,3%) ҳамда гематурия (26%) каби симптомлар мавжуд эди. Умумий беҳоллик (78,7%) ва иштаҳа камайиши (70,7%) умумий симптомлар бўлган, улар тадқиқотга киритилган беморларда тез-тез учраган. Ўсма деярли амалий бир хил ҳам ўнг (56%) ва чап (44%) буйракни зарарлаган. Пальпатор маълумотлардан ўсманинг консистенцияси ва ҳаракатчанлиги каби хусусиятлари ўрганилди. Пайпасланадиган ҳосила билан 71 нафар бемордан консистенцияси бўйича 48 (67,6%) ҳолатда ўсма зич консистенцияга эга бўлган, 23 (32,4%) ҳолатда юмшоқ бўлган. Ҳаракатчанлик параметри бўйича 26 (17,3%) ҳолатда ўртача ҳаракатчан, 32 (21,3%) кам ҳаракатчан, 13 (8,6%) ҳолатда ҳаракатсиз, 79 (52,6%) ҳолатда ўсма пайпасланмаган. Симptomлар бошланишидан стационарга мурожаат қилишгача давр 1 дан 12 ойгачани ташкил қилган.

Тадқиқотга киритилган беморларнинг кўпчилиги I ва II (38% ва 26,7% мос равишда) босқичда бўлган, бунда III босқичдаги беморлар 18,7% ни, IV босқичда 16,7% ҳолатни ташкил этган. Беморларнинг аксарияти оч хужайрали саратонга эга бўлган (85,3%), БҲС нинг энг кам учровчи гистологик тури буйрак онкоцитар саратони (0,67%) бўлган. БҲС беморларини комплекс текшириш ўз ичига лаборатор –асбоб-ускуналар ёрдамида текширувни (қон умумий ва биокимёвий таҳлили, коагулограмма), УТТ, экскретор урография, МСКТ ва МРТ текширув, операциядан кейинги материални гистологик текширувини олган. Гистологик материални тайёрлашни қулайлаштириш мақсадида S.J.Choi et al томонидан тавсия қилинган тўқима матрицаси услуби қўлланилган, унинг учун бизнинг тадқиқотга киритилган, 2 тўқима матрицасига тадбиқ қилинган БҲС

беморларининг 150 гистологик блоклари (донор-блоклар) ишлатилган. Тўқима матричасини тайёрлаш технологияси ўз ичига қуйидаги босқичларни олган: тадқиқотни синчковлик билан ташкил этиш, реципиент-блокни ва донор-блокни тайёрлаш, матрица картасини режалаш ва яратиш, донор-блокдан гистологик материални олиш ва реципиент блокка имплантация қилиш. ИГХ бўйича учун қуйидаги антитаналардан фойдаланилган: PD-1/ PD-L1, mTOR, VEGF-A ва KIT, пролиферация индекси. Операцион материални иммуногистохимёвий текшируви (ИГК) Тошкент шаҳри Учтепа тумани М.Уйғур кўчаси 618 А-уйда жойлашган “Premium Diagnostics” МЧЖ лабораториясида серияли парафин кесмаларида ўтказилган; лицензия № 1260-00 серия А № 005951.

Буйрак резекцияси ёки нефрэктомия жарроҳлик аралашуви БҲС нинг ажралмас даволаш усули саналади. Радикал нефрэктомия буйрак резекцияси имкони бўлмаганда буйрак-ҳужайрали саратонини даволашнинг олтин стандарти бўлиб саналади. Радикал нефрэктомия ўз ичига буйракни ёғ капсуласи, Герот фасцияси ва регионар лимфа тугунлари билан бирга олиб ташлашни олади. Трансперитонеал кириш радикал нефрэктомия учун қулай бўлиб, буйрак томирларини адекват назорат қилишга имкон беради. Веноз ўсма тромбози аниқланган ҳолатда уни олиб ташланди. Лимфатик диссекция ўсма чап томонлама жойлашганда лимфа тугунларининг парааортал ва аортокавал гуруҳларини йўқотишдан иборат бўлган, ўнг томонлама ўсмаларда лимфа тугунларининг интрааортокавал, ретрокавал, латерокавал, аортокавал ва прекавал гуруҳлари олиб ташланган.

Ёндош касалликлар оғирлиги даражаси ўсма касалликлари бўлган беморларда 27 поғонали «Катталарда коморбидликни баҳолаш-27» (Adult Comorbidity Evaluation-27, ACE-27) шкаласи ёрдамида амалга оширилди. Алоҳида касалликлар таснифига мос равишда коморбидлик умумий балли коморбидлик йўқ, енгил, ўртача ва оғир коморбидлик каби таснифланди. Баллни ҳисоблаш автоматик равишда online-калькулятор ёрдамида ўтказилди.

Токсик самарани баҳолаш мақсадида ECOG Common Toxicity Criteria (2-нашр, 1999) таснифидан фойдаланилди. Беморлар умумий ҳолатини баҳолаш Карновский шкаласи ва ECOG асосида амалга оширилди. Маълумотларга статистик ишлов бериш мақсадида IBM SPSS 18 дастури қўлланилди. Маълумотларга статистик ишлов бериш дастлабки босқичи неопластик жараён якуни учун прогностик қийматни аниқлаш, бирлашган жадвалларини тузиш орқали ўрганилган хусусиятларни аниқлаш бўлган. Тадқиқотда фойдаланилган статистик таҳлил усуллари: башорат умумий омилларини аниқлаш учун- алоҳида белги солиштирма салмоғини ҳисоблаш билан фактор таҳлили, унинг натижага таъсири, башорат омиллари орасида боғлиқлик мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлаш учун Кэнделл усули бўйича нопараметрик корреляция таҳлилидан фойдаланилган; белгилар орасидаги фарқларни аниқлаш учун – Фишернинг бурчакка айлантириш мезони, нисбий хавф мезони, Пирсоннинг келишув мезони (χ^2) қўлланилган. Статистик

фарқлар ишончилиги $p < 0,001$ миқдорида юқори, $p < 0,01$ да ўртача, $p < 0,05$ да паст, - $p > 0,05$ да ишончсиз деб тавсифланган.

Рецидивсиз ва умумий яшовчанлик таҳлили Каплан-Майер услуги бўйича амалга оширилган. Прогностик номограмма яратиш мақсадида максимал эҳтимоллик усули ишлатилган. Усул моҳияти текшириладиган ҳар бир гуруҳда ҳар бир белгини пайдо бўлиши эҳтимолини аниқлашдан иборат. Эҳтимоллик кўрсаткичларини ҳисоблаш формула бўйича амалга оширилади, унда m -текшириладиган гуруҳда белгини кузатувлар сони, N - кузатувларнинг умумий сони. Эҳтимоллар нисбати формуласига асосан тахминий прогностик белгининг солиштира оғирлиги $\ln(P1/P2)$ формуласи билан ҳисоблаб чиқилади ва ифодаланади, бунда $P1$ –гуруҳда ўрганиладиган белгининг ёмон натижа билан пайдо бўлиш эҳтимоли, $P2$ –ўрганиладиган белгининг ижобий натижа билан пайдо бўлиш эҳтимоли.

Якка прогностик аниқлайдиган якуний прогностик индексининг (Z) қиймати барча ўрганилган белгиларнинг оғирлик коэффициентларини йиғиш йўли билан аниқланади, унга кўра $Z \geq 0$ қиймати билан кузатув прогностик жиҳатдан қулай гуруҳга, $Z < 0$ ёмон прогностик гуруҳга тегишли

Диссертациянинг «**Буйрак ҳужайрали саратонни башорати клиник-морфологик параметрлари тизимли таҳлили**» деб номланган учинчи бобида биз томонимиздан БҲС башоратига таъсир қиладиган клиник-морфологик параметрлар солиштира оғирлигини ҳар томонлама таҳлили ва аниқланиши амалга оширилган. Онкологик жараён кечиши ва якунига ўсманинг биологик хусусиятлари ва организмнинг ўзига хослиги билан боғлиқ кўп сонли параметрлар таъсир қилади. Касаллик башоратига мавжуд симптомларнинг таъсирини таҳлилида аниқланишича, улар орасида энг ноҳуши умумий беҳоллик ва иштаҳа камайиши каби умумий симптомлар бўлиб, улар ўсма биологик фаоллиги билан боғлиқ бўлиши мумкин ва кўпинча ноҳуш башорат гуруҳида кузатилган (87,1%, 97,1% ва 56,25 ва 62,25% мос равишда; $p < 0,001$). Умумий интоксикация, жараён тарқалиши ва ўсма некрози даражаси орасида бевосита корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлган ($p < 0,001$). Пайпасладиган ҳосила ва гематурия каби бошқа симптомлар умумий симптоматикада камроқ учраган, бунда гуруҳлар орасида тарқалишида статистик сезиларли фарқ кузатилган (58,6%, 35,7% ва 35,7% ва 17,5% мос равишда; $p < 0,001$). Касаллик анамнези давомийлиги ҳам касаллик якунига таъсир ўтказган. Қисқа анамнестик давр ва клиник симптоматика тез ривожланишибўлган беморларда касаллик кўпроқ тажоввузкор бўлган, бу эҳтимол ўсманинг тез ўсиши билан боғлиқдир, шу билан бирга анамнезнинг узок муддат давомийлиги анча яхши башоратни кўрсатади. Корреляцион таҳлил натижасида аниқланишича, ёндош патология ва яшовчанлик орасида ўзаро боғлиқлик аҳамиятли. Енгил даражада ёндош патология мавжудлигида ёки йўқлигида беморларда онкологик жараён кечиши ва якуни анча яхши ($\chi^2=4,398$, $p < 0,05$ ва $\chi^2=6,567$, $p < 0,01$ мос равишда). Бизнинг тадқиқотимизга мувофиқ, тромбоцитоз рецидивсиз ва умумий яшовчанликка салбий таъсир қилган ва кўпинча рецидив ва

метастазлар ривожланиши билан боғлиқ, бу ўсмаларнинг юқори паранеопластик фаоллиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

I гуруҳ беморларида тромбоцитлар миқдорининг ошиши томонига сурилиши 30% ҳолатларда кузатилган, шу билан бирга II гуруҳда атиги 13,75%. Маълумки, тромбоцитлар қон томир ўзанига чиққан ўсма хужайраларига улар билан ўзаро таъсирлашиб, протектив таъсир қилади ҳамда VEGF, PDGF, тромбоспондин ва ҳк. каби ўсиш омилларини ажратиш орқали саратон хужайраларига стимулловчи таъсири бор.

Статистик таҳлил натижалар кўрсатишича, тромбоцитоз БҲС башоратида мустақил нохуш омил ҳисобланади. Умумий интоксикация симптомлари, жараён тарқалганлиги ҳамда ўсма некроз даражаси орасида бевосита корреляцион боғлиқлик ($p < 0,001$) бўлган.

1-жадвал

Ўсма жараёнининг таснифи

| Омиллари | Жами (n=150) | Асосий гуруҳ (n=70) | | Назорат гуруҳи (n=80) | | χ^2 | P |
|--|-----------------|---------------------------|-------|--------------------------|-------|----------|--------|
| | | Абс | % | Абс | % | | |
| Бирламчи ўсмани TNM бўйича таснифи: | | | | | | | |
| T1a | 24 | 5 | 71,4 | 19 | 23,75 | 7,661 | <0,01 |
| T1b | 36 | 10 | 14,3 | 26 | 32,5 | 6,79 | <0,01 |
| T2a | 38 | 16 | 22,9 | 22 | 27,5 | 0,425 | >0,05 |
| T2b | 9 | 6 | 8,6 | 3 | 3,75 | 1,539 | >0,05 |
| T3a | 27 | 21 | 30 | 6 | 7,5 | 12,805 | <0,001 |
| T3b | 10 | 8 | 11,4 | 2 | 2,5 | 4,783 | <0,01 |
| T3c | 3 | 2 | 2,9 | 1 | 1,25 | 0,492 | >0,05 |
| T4 | 3 | 2 | 2,9 | 1 | 1,25 | 0,492 | >0,05 |
| Лимфа тугунлари ҳолати: | | | | | | | |
| N0 | 128 | 55 | 78,6 | 73 | 91,25 | 4,795 | <0,05 |
| N1 | 22 | 15 | 21,4 | 7 | 8,75 | 4,795 | <0,05 |
| Морфологияси: | | | | | | | |
| Ёрқин хужайрали | 128 | 65 | 92,85 | 63 | 78,75 | 5,936 | <0,05 |
| папилляр (хромофил) | 10 | 1 | 1,43 | 9 | 11,25 | 5,788 | <0,05 |
| хромофобли | 5 | 0 | 0 | 5 | 6,25 | 4,526 | <0,05 |
| Онкоцитар | 1 | 1 | 1,43 | 0 | 0 | 1,151 | >0,05 |
| Саркома | 6 | 3 | 4,3 | 3 | 3,75 | 0,028 | >0,05 |
| Дифференцировка даражаси: | | | | | | | |
| G I | 30 | 12 | 17,1 | 18 | 22,5 | 0,67 | >0,05 |
| G II | 52 | 15 | 21,5 | 37 | 46,2 | 10,16 | <0,01 |
| G III | 39 | 24 | 34,3 | 15 | 18,8 | 4,68 | <0,05 |
| G IV | 29 | 19 | 27,1 | 10 | 12,5 | 5,133 | <0,05 |

| Лимфоваскуляри инвазияси | | | | | | | |
|--|-----|----|-------|----|-------|-------|--------|
| Бор | 49 | 34 | 48,6 | 15 | 18,75 | 15,09 | <0,001 |
| Йўқ | 101 | 36 | 51,4 | 65 | 81,25 | 15,09 | <0,001 |
| Ўсмада лимфоцитларнинг инфильтрацияси | | | | | | | |
| Бор | 47 | 18 | 22,5 | 29 | 41,4 | 6.217 | <0,01 |
| Йўқ | 103 | 41 | 58,6 | 62 | 77,5 | 6.217 | <0,01 |
| Ўсма стромасига паренхиманинг нисбати | | | | | | | |
| Яққол ривожланган строма | 44 | 29 | 36,25 | 15 | 21,4 | 3,956 | <0,05 |
| тарқоқ строма | 106 | 55 | 78,6 | 51 | 63,75 | 3,956 | <0,05 |

Пайпасланадиган ҳосила ва гематурия каби бошқа симптомлар умумий симптоматикадан камроқ учраган, бунда гуруҳлар орасида статистик аҳамиятли фарқ кузатилган (58,6%, 35,7% ва 35,7% ва 17,5% мос равишда; $p < 0,001$).

Бизнинг тадқиқотимизга мувофиқ БҲС нохуш прогностик параметрларига онкологик жараённинг тарқалганлиги, оғир ёндош патология мавжудлиги, БҲС нинг оч хужайрали ва онкоцитар гистологик тури каби гистологик характеристикалари, GIII-GIV дифференцировка даражаси, некроз мавжудлиги, лимфоваскуляри инвазия, яққол строма ҳамда ўсманинг лимфоцитар инфильтрацияси қабилар қиради. Башоратга ёндош касалликлар йўқлиги, хромофоб БҲС, GI-GII юқори дифференцировка даражаси, некроз ҳамда лимфоваскуляри инвазия йўқлиги, сийрак строма ва лимфоцитлар билан ўсманинг инфильтрацияси мавжудлиги каби таъсирлари ижобий таъсирга эга.

Диссертациянинг «**Буйрак хужайрали саратонни башоратлашда молекуляр-биологик маркерлар ўрни**» деб номланган тўртинчи бобида мавжуд адабиёт манбаларининг таҳлили кўрсатишича, кўпгина тадқиқотлар жараён метастатик тус олганда молекуляр-биологик маркерларни ўрганишга ва уларнинг БҲС башоратига таъсирига бағишланган, шу билан бирга бирламчи БҲС да биомаркерлар роли етарлича ўрганилмаган. Шу сабабли биз PD-1, PD-L1, VEGF-A, KИТ ва mTOR каби баъзи истиқболли биомаркерларни прогностик аҳамиятини таҳлилини амалга оширдик, ушбу рецепторлар экспрессия даражасини ўрганилди, уларнинг мавжудлигига боғлиқ рецидивсиз ва умумий яшовчанликка таъсири ҳамда БҲС бошқа клиник-морфологик параметрлари билан корреляцион боғлиқлиги, уларнинг касаллик кечиши, даволашга ва якунига жавоби билан корреляцион боғлиқлиги ўрганилди.

Буйрак хужайрали саратонни беморларининг ҳар икки гуруҳ орасида ушбу маркерларнинг экспрессия частотасини таҳлили PD-1- 26,7%, PD-L1- 13,5%, VEGF-A-56%, mTOR-6,7%, KИТ- 2,26% ни ташкил этди.

Юқорида санаб ўтилган биомаркерларнинг экспрессияси тақсимотини тўлиқ ўрганилганда аниқланишича, нохуш башорат билан БҲС беморлар

гурухида рецепторлар экспрессияси яхши башоратли гурухга нисбатан статистик сезиларли ишончли фарқ қилган.

Генлар экспрессияси тенг миқдорда ўсма жараёнининг тарқалиши билан ҳамда дифференцировка даражаси ва БҲС беморларида саркаматоз компонент мавжудлиги билан боғлиқ бўлган. Рецепторлар экспрессияси таъсири бўйича ўтказилган комплекс таҳлил уларнинг муҳим аҳамияти ва касаллик якунига юқори солиштирма оғирлик билан статистик ишончли таъсирини кўрсатди.

2-жадвал

Молекуляр-биологик кўрсаткичларнинг башоратлаш аҳамиятини омили юкламаси

| Параметр | жами (n=150) | | асосий гурух (n=70) | | назорат (n=80) | | χ^2 | P |
|------------------------------------|-----------------|------|---------------------------|------|-------------------|-------|----------|--------|
| | абс | % | абс | % | абс | % | | |
| PD-1 мусбат | 40 | 26,7 | 28 | 40 | 12 | 15 | 11,932 | <0,001 |
| PD-1 манфий | 110 | 73,3 | 42 | 60 | 68 | 85 | 11,932 | <0,001 |
| PD-L1 мусбат | 20 | 13,3 | 14 | 20 | 6 | 7,5 | 5,048 | <0,05 |
| PD-L1 манфий | 130 | 86,7 | 56 | 80 | 74 | 92,5 | 5,048 | <0,05 |
| VEGF-A мусбат | 84 | 56 | 54 | 77,1 | 30 | 37,5 | 23,811 | <0,001 |
| VEGF-A манфий | 66 | 44 | 16 | 22,9 | 50 | 62,5 | 23,811 | <0,001 |
| mTOR мусбат | 10 | 6,7 | 9 | 12,9 | 1 | 1,25 | 8,08 | <0,01 |
| mTOR манфий | 140 | 9,3 | 61 | 87,1 | 79 | 98,75 | 8,08 | <0,01 |
| KIT мусбат | 6 | 4 | 1 | 1,4 | 5 | 6,25 | 2,26 | >0,05 |
| KIT манфий | 144 | 96 | 69 | 98,6 | 75 | 93,75 | 2,26 | >0,05 |
| Ki-67 индекс пролиферацияси | | | | | | | | |
| Паст | 114 | 76 | 42 | 60 | 72 | 90 | 18,421 | <0,001 |
| юқори | 36 | 24 | 28 | 40 | 8 | 10 | 18,421 | <0,001 |

Диссертациянинг «Бирламчи буйрак хужайрали саратонни беморлари учун даволаш натижалари, башорат предикторларини баҳолаш ва интеграл прогностик номограммани ишлаб чиқиш» деб номланган бешинчи бобида БҲС беморларини даволаш натижалари таҳлили

амалга оширилган ва жаррохлик даволаш хусусиятлари билан боғлиқ прогностик омиллар аниқланган ҳамда прогностик номограмма ишлаб чиқилган. Касаллик башоратига ўтказилган даволаш кучли таъсир қилади. Бугунги кунда БҲС даволаш стандарти жаррохлик даволаш бўлиб, аммо БҲС даволаш натижалари кенг диапазонда тебранади. Бунда рецидивли ва метастатик БҲС да тизимли даволаш яхши натижалар беришига қарамасдан бирламчи БҲС ни даволашда фойдаланилмайди, бироқ рецидивлар ва метастазлар профилактикаси учун потенциал профилактика варианты бўлиши мумкин.

Шу муносабат билан шахсий даволаш ва диспансер кузатувда хавф тоифасига қараб янги ёндашувларни тадбиқ этиш зарурати туғилади. Даволаш натижаларини яхшилаш мақсадида биз хавф гуруҳига боғлиқ равишда прогностик номограмма ва беморларни бошқариш алгоритмини ишлаб чиқдик.

Ўтказилган омилли таҳлили БҲС башоратида энг прогностик аҳамиятли параметрларни ажратиш имконини берди. Максимал эҳтимоллик усулидан фойдаланиб, интеграл прогностик номограмма ишлаб чиқилган бўлиб, у юқори аниқлик билан БҲС билан касалланган беморнинг хавф гуруҳини аниқлашга имкон беради. Ушбу номограмманинг фарқи шундаки, унга клиник-морфологик ҳамда молекуляр-биологик параметрлар киритилган бўлиб, улар бугунги кунда мавжуд бўлган прогностик шкала ва моделларга киритилмаган.

Беморларнинг суммар балларига қараб рецидив ва метастазлар ривожланиши хавф гуруҳларига бўлиш мумкин: суммар балл -23,1 дан -10,8 гача – юқори хавф гуруҳи, -10,7 дан +8,4 гача – ўртача хавф, +8,5 дан +18,0 гача – паст хавф.

3-жадвал

Операциядан кейинги даврда бирламчи бўйрак хужайрали саратони бўлган беморларни хавф гуруҳига қараб бошқариш алгоритми

| Касаллик босқичи | Жаррохлик тактикаси | Хавф даражаси | Бошқариш тактикаси |
|------------------|--------------------------------------|-------------------|--|
| I,II Босқичлар | Радикал резекция/нефрэктомия | Паст ва ўрта хавф | Кузатув |
| | | Юқори хавф | (VEGF-A, КИТ) ангиогенез ингибиторлари; PD-1/PD-L1 ингибиторлари; mTOR ингибиторлари |
| III,IV Босқич | Нефрэктомия/комбинированная операция | | |

Рецидив ва метастазлар ривожланиши юқори хавфига эга беморларда анча жадал динамик кузатув ва экспрессияланувчи маркерлар турига боғлиқ адьювант иммун ва таргет терапия ўтказиш зарур.

Адьювант терапия ўтказишга мезонлар:Т3, Т4; ўсма ўлчами 10 см дан катта; лимфа тугунлари зарарланиши; ўсма тромби мавжудлиги; оч хужайрали БҲС дифференцировка куйи даражаси (GIII-GIV), ўсма некрози мавжудлиги, лимфоваскуляр инвазия, ўсма яққол стромаси, лимфоцитлар инфильтрацияси каби гистологик тавсифлар билан;онкоцитар, саркоматоз БҲС; рецепторлар экспрессияси (VEGF-A, mTOR, PD-1/PD-L1, KIT); пролиферация юқори индекси. Динамик кузатув алгоритми урология соҳасида Америка таълим ва тадқиқотлар ассоциацияси модификацияланган жадвалини акс эттиради.

4-жадвал

Хавф тоифасига қараб динамик кузатув алгоритми

| Динамик кузатув учун тадқиқотлар | Радикал резекция ёки нефрэктомия | |
|----------------------------------|--|--|
| Объектив кўрик | Рецидив ва узокдаги метастазларни аниқлаш учун қаратилган сўров ва объектив кўрик | |
| Лаборатор текширувлар | Биокимёвий қон таҳлили (мочевина, креатинин, сийдик кислота, ЛДГ, ишқорий фосфатаза, кальций даражаси) умумий қон таҳлили; коагулограмма; умумий сийдик таҳлили | |
| Скелет суяклари сканирлаш | Ишқорий фосфатазанинг юқори даражасида, суякларда оғриқлар ва/ёки визуализациянинг нур усулларида суяк ҳосилаларининг мавжудлиги каби клиник симптомлар бўлганда | |
| Бош мия текшируви | Неврологик симптоматика (КТ ёки МРТ) мавжудлиги | |
| | Паст хавф | Ўрта ва юқори хавф |
| Қорин бўшлиғи текшируви | Йил давомида ҳар 3 ойда КТ ёки МРТ, кейинчалик нур усулларида ўзгариш бўлмаса, йилига 1 марта | Йил давомида ҳар 3-6 ойда КТ ёки МРТ, сўнг ҳар 6 ойда 3 йил давомида, кейинчалик йилига 1 марта 5 йилгача; симптомлар пайдо бўлганда текширувлардан фойдаланиш |

| | | |
|--------------------------|---|---|
| Кўкрак кафасини текшириш | Кўкрак кафаси аъзоларининг рентгенографияси йилига 1 марта 3 йил давомида, 3 йиллик муддатдан кейин симптомлар пайдо бўлганда | Операциядан 3 ой ўтгач, КТ, кейинчалик кўкрак кафаси аъзолари КТ ҳар 6 ойда 3 йил давомида, кейинчалик йилига 1 марта 5 йиллик муддатгача |
|--------------------------|---|---|

Бирламчи БҲС билан касалланган беморларни даволашда индивидуал ёндашувдан фойдаланиш, даволаш натижаларини сезиларли даражада яхшилайти. Касаллик қайталаниши ва метастазланиш ривожланиши хавфи юқори бўлган беморлар гуруҳларини аниқлаш замонавий онкологиянинг муҳим муаммоларидан ҳисобланади, чунки бу нафақат касаллик хавфи юқори бўлган шахсларда профилактикани амалга оширишга, балки яхши прогнозли беморлар орасида асосиз даволашни олдини олишга имкон беради.

ХУЛОСАЛАР

«Буйрак-хужайрали саратонни башоратлаш ва даволашнинг замонавий жиҳатлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Клиник-лаборатор ва морфологик параметрлар БҲС башоратига ижобий ва нохуш статистик таъсир кўрсатиши мумкин ($\chi^2=4,795$, $p<0,05$). Кексалик ёши, оғир ёндош патологиянинг мавжудлиги, қон кўрсаткичлари ўзгариши: тромбоцитоз, анемия, гемостаз бузилиши БҲС якунига салбий таъсир кўрсатади ($\chi^2=4,398$, $p<0,05$ и $\chi^2=6,567$, $p<0,01$).

2. Ўсманинг биологик тавсифлари: қуйи дифференцировка даражаси (GIII-GIV), ўсма некрози мавжудлиги, ЛВИ, ўсма стромаси яққоллиги ($p<0,05-0,001$) нохуш ҳисобланади, шу билан бирга юқори дифференцировка даражаси (GI-GII), ўсма некрози ва ЛВИ йўқлиги, сийрак строма, лимфоцитлар билан ўсма инфильтрацияси БҲС учун яхши башорат омилларидир ($p<0,05 - 0,001$). БҲС беморлари орасида маркерлар экспрессияси частотаси PD-1 да - 26,7%, PD-L1 да - 13,5%, VEGF-A да - 56%, mTOR да - 6,7%, KIT да - 2,26%, бунда экспрессия касаллик прогнозига салбий таъсир кўрсатади ($p<0,05 - 0,001$).

3. Бирламчи буйрак хужайрали саратони босқичларида 5 йиллик яшовчанлик T1a - 95,3 %, T1b - 91,4 %, T2 - 81,6 %, T3a - 73%, T3b - 70, T3c - 63%, T4-57,3%. Шундан I гуруҳда 91,4% ва II гуруҳда 36%. Умумий яшовчанлик - 63,7%ташқил этди ($p< 0,001$).

4. БҲС рецидив ва/ёки метастазлар юқори хавф омилига эга беморларида иммун- ва таргет терапиядан фойдаланиш узокдаги даволаш натижаларини яхшилашга олиб келади ($\chi^2=4,2$; $p<0,05$ ва $\chi^2=11,336$; $p<0,001$ мос равишда).

5. Ишлаб чиқилган прогностик номограмма беморларни даволаш кўрсаткичларини яхшилашга, динамик кузатув алгоритми эса БҲС қайталаниши ва метастазларини ўз вақтида аниқлашга имкон беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 ПРИ
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ОНКОЛОГИИ И
РАДИОЛОГИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ОНКОЛОГИИ И
РАДИОЛОГИИ**

ГАЗИЕВ ЛАЗИЗ ТУРГУНОВИЧ

**СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ И ЛЕЧЕНИЯ
ПОЧЕЧНО-КЛЕТОЧНОГО РАКА**

14.00.14 – Онкология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Tib1188

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре онкологии и радиологии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.cancercentr.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Тилляшайхов Мирзагалёб Нигматович**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Мухаммедаминов Шухрат Каримджанович**
доктор медицинских наук, профессор
Абдурахманов Дониёр Камилджанович
доктор медицинских наук

Ведущая организация: **Университетская клиника Инха, Республика Корея**

Защита диссертации состоится «15» июля 2021 г. в 13:00 часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре онкологии и радиологии. Адрес: 100174, г.Ташкент, ул.Фаробий, 383 дом. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра онкологии и радиологии (зарегистрирована за № 6). Адрес: 100174, г.Ташкент, ул. Фаробий, 383 дом. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz.

Автореферат диссертации разослан «10» июля 2021 года.

(реестр протокола рассылки № 6 от 10 июля 2021 года).

М.А. Гафур-Ахунов

Заместитель председателя Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.А. Адилходжаев

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

М.Х. Ходжибеков

Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире на почечно-клеточный рак (ПКР), приходится 2-3% всех злокачественных опухолей, причем заболеваемость выше в развитых странах по сравнению с развивающимися странами. По данным ВОЗ «...ежегодно в мире регистрируется около 295 тыс. впервые выявленных случаев рака почки, и 134 тыс. смертей от него...»¹. На сегодняшний день актуальной остается проблема выделения групп повышенного риска больных после хирургического вмешательства и прогнозирования исходов, а также ответов на планированное лечение. При этом шкалы для первичного ПКР единичны и включают ограниченное количество факторов прогноза. В связи с приведенными выше данными, разработка новых прогностических шкал и номограмм, обладающих высокой точностью и персонализированный подход к лечению больных ПКР на основании категорий риска являются малоизученными проблемами и нуждаются в углубленном изучении.

В мире проводится ряд научных исследований в области прогнозирования и лечения почечно-клеточного рака, к которым относятся: изучение неучтенных ранее прогностических параметров, оказывающих влияние на исход ПКР, определение влияния молекулярно-биологических маркеров на результаты лечения ПКР, формирование концепции дифференцированного подхода динамического наблюдения и лечения больных ПКР в зависимости от группы риска.

